Фуқаролик Жамияти
Гражданское общество
Civil society
2016* №2(46)

“Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори сурьатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, аввалambор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди”[1].
Ислом КАРИМОВ



КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИ ҚИЗЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ: ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Дилфуза СОБИРОВА,
доцент,
Манзура БОЛТАБОЕВА –
Андижон давлат университети

Президентимизнинг ёш авлодга чуқур таълим-тарбия бериш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли, жисмонан етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлодни камолга етказиш борасидаги эзгу мақсадлари ҳамда чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган стратегияси – **“Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** каби тарихий аҳамиятга эга ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли тўғри ва ҳаққоний эканлигини яққол исботлади.









Истиқлол йилларида 1556 тадан ортиқ коллеж ва лицейлар барпо этилди[2]. Шаҳару чекка қишлоқларда қад ростлаган ана шундай таълим муассасаларида бугун ёшларимиз замонавий билимларни ўзлаштириш, касб-ҳунарга эга бўлиш билан бирга, компьютер ва ахборот технологияларини, хорижий тилларни пухта ўрганмоқда[3]. Бугун ёшлар лицей ва коллежларни тамомлагач, олий ўқув юртларига кириш, танлаган мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш учун барча шарт-шароитга эга.

[1] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Мамлакатимизни 2015 й. ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 й. мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2016 й. 16 январь // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.

[2] Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори // Халқ сўзи. – 2016. – 26 январь.

[3] Келажагимиз эгалари учун Мустақиллик дарслари. 2015 й. 2 сентябрь // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)нинг веб-сайти – www.uza.uz.

2008 й. болаларнинг умумий ўрта таълим билан, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек, **академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши,** олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши ҳамда олий ўқув юртлари битирувчилари ва муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашишининг доимий мониторингини олиб бориш учун таҳлилий ахборотларни тайёрлаш **схемаси** жорий этилди[4]. 2009 й. битирувчиларни ишга жойлаштириш учун барча қишлоқ туманларида ва вилоятлар марказларида **иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркалари**ни ўтказиш йўли билан касб-ҳунар коллежларининг йирик ва кичик корхоналар билан узвий ўзаро ҳамкорлиги таъминланди.

Дарҳақиқат, **“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун, Президентимизнинг 2014 й. 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори** ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг касб-ҳунар эгаллаши, эзгу орзу-мақсадларини юзага чиқаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимиз **банк-молия муассасалари** томонидан ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёш оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашиш орқали оилалар турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилган. (Масалан, 2014 й. касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 200,9 миллиард сўм ёки кўзда тутилган прогнозга нисбатан 1,7 баробар кўп сармоя ажратилди[5]. Ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, истеъмол товарларини харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилган).

Маълумки, **2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди. Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди.** Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун **280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди**[6].

Умумтаълим мактабларини тамомлаётган ёшларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга **“Таълим + карьера” деб номланган тадбирлар тизими** асосига қаратилган. Тадбирларда ҳали иш жойи аниқ бўлмаган коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш, кредит олиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида атрофлича маълумот берилади. Тижорат банклари вакиллари томонидан банк хизматлари, кредит линиялари, тадбиркорликни ташкил этиш, бизнес-лойиҳа тузиш, кредит олиш хусусида зарур тавсия ва маслаҳатлар берилади[7].

Жойларда, шунингдек, **ҳокимликлар ҳузуридаги касб-ҳунар коллежлари ва академик ли-**

[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 й. 30 июнь “Ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz.

[5] Банк кредитлари – фаровон турмушга. 2015 й. 7 январь // www.uza.uz.

[6] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Мамлакатимизни 2015 й. ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 й. мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2016 й. 16 январь // www.press-service.uz.

[7] Касб танлашда адашманг. 2015 й. 21 май // www.uza.uz.

цейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этилган[8].

Мамлакатимизда рўйхатдан ўтган 6 миллиондан зиёд касаба уюшма аъзосининг 50 фоиздан ортиғини ёш мутахассислар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини кучайтириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда корхоналарда тузилган жамоа шартномалари**га махсус бўлим киритилган[9] бўлиб, бу 18 ёшга тўлмаган шахсларга, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида **қўшимча имтиёз ва шароитлар яратиш, ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш, уларнинг малакасини ошириш, битирувчиларнинг ишга жойлашиши ҳамда меҳнат жамоаларида қўнимлилигини назоратга олишда** алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Келажакда бўлажак оналар – қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган, қизларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари **изчил давом эттирилади.** Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига хизмат қилади[10].

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг концептуал хусусияти шундан иборатки, жорий йилда жойларда бўйича иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга **буюртма** шакллантирилган. Шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари, биринчи навбатда, коллеж битирувчиларининг **тегишли сонига мувофиқ** миқёсда ишлаб чиқилган. Дастурда **кичик саноат зоналарини ташкил этиш,** иш ўринларини захиралаш йўли билан янги иш ўринларини яратиш йўналишлари кенгайтирилган ҳолда ажратилган, шунингдек, аҳоли ва ёшларни, биринчи навбатда, **коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг янги усулларидан фойдаланиш, коллежларда тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш бўйича ўқув-амалий курсларни ташкил этиш** орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш назарда тутилган[11].

“Соғлом она ва бола” Давлат дастурида: 1) касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш; 2) ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш; 3) ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитларини ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган[12].

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича **ўқув курслари**, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар базасида **“Бизнес-клублар”** ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун “Менинг бизнес ғоям” ва “Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи” мавзуларида ҳудудий ҳамда **республика танловлари**ни ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан, коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда[13].

[8] Битирувчи бандлиги – муҳим масала. 2016 й. 9 февраль // www.uza.uz.
[9] Навқирон авлодга қанот бўлиб. 2015 й. 11 сентябрь // www.uza.uz.
[10] Соғлом она ва бола – мамлакатимиз таянчи. Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифи билан 2016 й. мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди. 2016 й. 12 февраль // www.uza.uz.
[11] Депутатлар бандлик дастурини тасдиқладилар. 2015 й. 16 ноябрь // www.uza.uz.
[12] “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 й. 9 февралдаги Қарорига илова // www.lex.uz.
[13] Соғлом она ва бола – мамлакатимиз таянчи. Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифи билан 2016 й. мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди. 2016 й. 12 февраль // www.uza.uz.

2016 й. 13 та академик лицей ва 107 та касб-ҳунар коллежини **реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш,** уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда[14].

Касаба уюшмалари федерациясида Ёшлар кенгаши, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари қошида Ёшлар билан ишлаш тузилмалари ташкил этилганлиги ёшларнинг қонуний ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Битирувчиларга эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига яқиндан кўмаклашиш мақсадида касаба уюшмалари федерацияси томонидан услубий кўрсатма тасдиқланди. Унга кўра, **коллежларга корхона ва ташкилотларнинг малакали мутахассисларини бириктириш, биринчи бор ишга кирган битирувчиларга ишга қабул қилиш имтиёзлари, меҳнат шартномасини расмийлаштириш, меҳнат муносабатлари юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби масалалар бўйича услубий ва амалий кўмак** кўрсатилмоқда[15].

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида **тўрт томонлама шартномалар** тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади[16].

Жорий ўқув йилида Самарқанд вилоятидаги коллежларнинг 55 минг битирувчиси 8 ҳафта давомида корхона ва ташкилотларда **ишлаб чиқариш амалиётини ўташи** белгиланган. Ўқувчилар эгаллаётган мутахассислигига кўра, 22 та йўналиш бўйича 30 та бошқарма, корхона ва ташкилот ҳамда улар тизимидаги 588 та муассасага бириктирилди. Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, бу йилги тизимда қўшимча равишда коллеж ўқувчисининг ишлаб чиқариш амалиётидаги иштироки, ўқишда олган назарий билимини амалиётда қўллай олиши юзасидан корхона раҳбари томонидан унга тавсифнома бериш тизими жорий этилди[17].

2016 йилда олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларнинг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлаш лозим. Давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, “Ҳар йили касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудида қандай янги объектлар ишга туширилиши, уларда меҳнат қилиш учун қайси мутахассисликлар бўйича қандай кадрлар кераклигини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ғоят муҳим масаладир”[18].

[14] Соғлом она ва бола – мамлакатимиз таянчи. Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифи билан 2016 й. мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди. 2016 й. 12 февраль // www.uza.uz.

[15] Навқирон авлодга қанот бўлиб. 2015 й. 11 сентябрь // www.uza.uz.

[16] Соғлом она ва бола – мамлакатимиз таянчи. Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифи билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди. 2016 й. 12 февраль // www.uza.uz.

[17] Битирувчи бандлиги – муҳим масала. 2016 й. 9 февраль // www.uza.uz.

[18] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Мамлакатимизни 2015 й. ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 й. мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2016 й. 16 январь // www.press-service.uz.